



Фарғона ҳақиқати

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ БОШ НАШРИ

Ҳақ сени севгай эл била бўлсанг. Алишер НАВОИЙ.

Сайтимизга ўтиш учун QR кодни телефонингиз орқали сканер қилинг



Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган

@farhaqiqat.uz

@farhaqiqati

2020 йил 7 октябрь, чоршанба № 78 (24467)

Кун жараёни



ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА "МЕХР-САХОВАТ" КЎКРАК НИШОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



Президентимизнинг 2020 йил 26 майда қабул қилган "Ме'хр-саховат" кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисидаги Фармонида туфайли эл-юртимиз бошига тушган синовли кунларда мавжуд хавф-хатарларга қарши курашда, уларнинг оқибатларини бартараф этишда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатган, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта ҳисса қўшган, жамиятимизда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашда фаол иштирок этатган юртдошларимизни мазкур кўкрак нишони билан тақдирлаш назарда тутилган. Шу кунларда "Ме'хр-саховат" кўкрак нишони ўз эгаларига топширилмоқда.

Бу ташаббусни халқимиз қўллаб-қувватлади. Саховат-пеша инсонлар қўлидан келганича бегараз ёрдам қўлини чўзмоқда. Эҳтиёжмандларга елкадош бўла олганлар хамиша юксак ҳурматга лойиқ. Яхшилик, албатта яхшилик билан қайтади, — деди вилоят раҳбари.

Тақдирланганлардан шифокорлар С.Жуманов, О.Умаров, тадбиркор Ш.Фаниева, вилоят Ёшлар иттифоқи кенгаши раиси Р.Мамажонов, Фарғона давлат университети талабаси Н.Жабборова кўрсатилган ҳурмат, юксак эътироф учун миннатдорчилик билдириб, бу ишонч зиммаларига янада катта масъулият юклашини билдирдилар.

— Президентимизнинг эътирофига, халқимизнинг хиттифига сазовор бўлганимдан хурсандман. Бундан кейин ҳам она Ватанимга, халқимга садоқат билан хизмат қиламан, — дейди кўнгилли Ёшлар вакили Мунаввархон Толипов.

Жойларда ўтаётган тантанали тадбирларда вилоятимизнинг 481 нафар фуқароларига "Ме'хр-саховат" кўкрак нишонлари топширилмоқда.

Рустам ОРИПОВ. Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат.

Вилоят ҳоқимлигида бўлиб ўтган тантанали маросимда коронавирус инфекциясига қарши курашда фидоийлик кўрсатган, ўз саломатлигини хавф остига қўйиб бўлса-да, беморлар дардида шифо бахш этган бир гуруҳ тиббиёт ходимлари, мураккаб шароитда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларга беминнат кўмак бериб келатган тадбиркорлар, бегараз ҳоимлик ёрдамларини кўрсатаётган корхоналар ходимлари, аҳоли ўртасида касалликнинг олдини олиш бўйича тарғибот ишларида кўнгиллилар сифатида фаол қатнашаётган ташаббускор ёш авлод вакиллари "Ме'хр-саховат" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Тадбирда вилоят ҳоқими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров мамлакатимизда коронавирус пандемиясининг иқтисодий таъсирига, одамлар ҳаётига салбий таъсирини юмшатишга, фуқаролар саломатлигини асраш, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича ҳукуватимиз томонидан ўз вақтида кўрилатган чора-тадбирлар самара бераётганини, ўз навбатида, мана шундай вазиятда бағрикенг, олижаноб халқимиз янада жипслашиб, миллий менталитетимизга хос бўлган ме'хр-оқибат, эҳтиёжмандларга саховат кўрсатиш каби юксак инсоний фазилатларини амалда намойн этиётганини таъкидлаб ўтди.



Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ. Элёр ОЛИМОВ олган сурат.

Ўзбекистон Қаҳрамони Лолахон Муротова ҳеч бир муболағасиз, деҳқончилик илми профессори, академигидир. Унинг меҳнатсеварлиги, самимийлиги элга танитди. Ўзбекистоннинг чинакам доласига, фахру ифтихорига айланди.

ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИНИ ЙЎҚЛАДИ

Олтириқ тумани Фарғона вилоятида биринчилардан бўлиб пахта тайёрлаш режасини бажарди. Вилоят раҳбари Хайрулло Бозоров олтириқликларни муборакбод этиш мақсадида, энг аввало, «Нури обод» фермер хўжалиги раҳбари Лолахон Муротованинг дала шийони-нига ташриф буюрди.

Баҳорда хирмон галлага тўлганда, кузда пахта режаси бажарилганда, деҳқоннинг юзи ёруғ бўлади. Бугун мен сизларни шундай кунда кутиб олаётганимдан мамнунман. Дикқат-этиборимиз бугун пахтани йиғиб-териб олишга қаратилган. Ҳали биринчи теримга тушмаган пахтазорларимиз турибди. Оилавий бўлиб пахта тераётган теримчилар 10 миллион сўмдан даромад қилишди. Пахта кони фойда бўлиб қолди, — дейди фермер опа вилоят раҳбари билан дилдан суҳбатлашар экан.

Хайрулло Бозоров фермер хўжалиги даласида бўлиб, етиштирилган мўл ҳосилнинг агротехникаси ҳақида суҳбатлашди, сувчидан тортиб механизаторлар фаолиятига баҳо берди. Аслида чўл худудни унумдор ерга ай-

лантириш инсондан меҳнат, пешона тери ва матонатни талаб этади. — 2006 йилдан буён «Нури обод» хўжалигининг раҳбариман. Оила, ака-укаларим, қўйингли, ҳаётимда нима азиз нарса бўлса, шу ерда. 124 нафар ишчи-ходимлар барчамизнинг меҳнатимиз маҳсули шу далада. Аввал айтганимдек, кўмлик ер бўлган. Шамол бўлса, одам бўйи кун уйилиб кетарди. Шукр, меҳнат ва ерга ме'хр-муҳаббат боис обод ва фойдали масканнинг эгаси бўлиб турибмиз. Меҳнатларимиз роҳати кўряпмиз. Давлатимиз раҳбарининг доимий эъти-

«Farg'onaazot» АЖ ўз салоҳиятини сақлаб қолиши керак

Фарғона вилояти ҳоқими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров вилоятимизнинг йирик sanoat корхоналаридан бири — «Farg'onaazot» АЖга ташриф буюриб, жамият фаолияти ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан яқиндан танишди.

Хозирги кунда «Farg'onaazot» акциядорлик жамиятимизда ортик ишчи-хизматчилар меҳнат қилишмоқда. Ишлаб чиқариш цехлари бир маромда фаолият юртияпти. Жорий

йилнинг январь-сентябрь ойларида 1,163 трлн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шу жумладан, 285,088 минг тонна минерал ўғитлар ишлаб чиқарилган бўлиб, унинг 282,099 минг тоннаси азотли, 2,989 минг тоннаси фосфорли ўғитлардир. Бундан ташқари, суюқ комплекс минерал ўғитлар, дефоли-

антлар ва ичимлик содаси ишлаб чиқариш режасини ҳам уддаладиқ, — деди жамият раиси Абдулатто Солижонов вилоят раҳбари билан суҳбатда.



Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

Вилоят ҳоқими аммиак-3 цехи билан танишар экан, корхонанинг инвестицион жозибдорлиги ҳамда келгусида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини тушириш, энерго самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва мулоҳазаларини билдирди. Карбамид, аммиакли селитра, концентранлар азот кислотаси цехлари билан танишув чоғида рақобатбардор маҳсулот турларини ўзлаштириш, янги иш ўринларини яратиш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича жамият мута-саддиларига топшириқлар берди. Жамиятнинг инвестицион лойиҳалари билан кизиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кимё sanoati янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида умумий қиймати 237 млн. АҚШ долларига тенг бўлган модернизация ва жорий қувватларни ошириш лойиҳаси бўйича фикрлар алмашилди.

Вилоят раҳбари Х.Бозоров умумий қиймати 88 млн. АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳа доираси-

да «Синтекс Рус» (Россия Федерацияси) компанияси билан ҳамкорликда корд ва техник матола, штапель толаси ишлаб чиқариш бўйича корхона очиш ҳамда қиймати 100 млн. АҚШ долларига тенг бўлган аралаш-ма матола учун синтетик толарлар ишлаб чиқариш лойиҳалари бўйича амалий ишларнинг олиб борилишини кўздан кечир-

ди. Инвесторларни жалб қилиш ва лойиҳаларни амалга ошириш доирасида республика ички бозорига синтетик тола (полиэстер)га бўлган талабни ўрганиш зарурлигини таъкидлаб, «Farg'onaazot» АЖ ҳар қандай шароитда ҳам ишлаб чиқариш салоҳиятини сақлаб қолиши кераклигини таъкидлади.

Фарғона вилояти ҳоқимлиги Ахборот хизмати.



Жараён

Ижтимоий-иқтисодий
ривожлантириш
чора-тадбирлари
белгиланди

Фурқат, Қўштепа ва Ёзёвон туманлари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизими натижалари-га кўра, «қониқарсиз» деб топилган. Ҳўш, мазкур туман раҳбарлари кўрсаткичларни яхшилаш, ҳудудни қоқоқликдан олиб чиқиш учун қандай чоралар кўрмоқда?

Жойларда бўлиб ўтаётган сессияларда ана шу масалалар атрофлича муҳокама этилмоқда.

Халқ депутатлари Фурқат туман Кенгашининг сессиясида республика бўйича ўтказилган рейтинг кўрсаткичларида «қониқарсиз» деб баҳоланган мазкур туман ҳокими Дилмурод Солиевнинг ҳисоботи эшитилди. Унда депутатлар, фаоллар билан биргалликда оммавий ахборот воситалари вакиллари, блогерлар қатнашди. Муваққиллик билан тенгдош бу туманда кўплаб соҳаларда қоқоқлик кузатишмоқда. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳудудий саноат маҳсулотлари ҳажми 699 минг сўмни ташкил этиб, вилоят кўрсаткичидан 2,6 марта кам бўлган. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми 944 минг сўмни ташкил этиб, вилоятда 18-ўринни эгаллаган. Ишсизликнинг олдини олиш бугун барча раҳбарларнинг

муҳим вазифаси ҳисобланади. Афсуски, мазкур туманда вақтинча ишлаш учун хорижга кетганларнинг иқтисодий фаол аҳоли умумий сониданги улуши 14 фоизга етган.

Ҳисобот даврида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилмаган. Фаолият кўрсатаётган субъектлар таркибидан 3 йилдан ортиқ фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг улуши 48 фоизни ташкил этган ёки 52 фоизининг фаолияти тўхтаган. Кўриниб турибдики, туманда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва уларни ривожлантиришга эътибор йўқ. Аҳолини ҳаётдан рози қилиш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш борасида ҳам камчиликларга йўл қўйилган. Сессияда сектор раҳбарларининг ҳисоботи эшитилди ва тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ.

Ватаннинг олий мукофоти

Имконияти чекланган болалар билан ишлаш муаллимдан ақлий ва руҳий нуқтадонликни талаб этади. Саломатлигидаги нуқсонни туфайли мураббийга юкуниб, дунёни унинг кўзлари билан кўришга чоғланган болаларга қанот бўлиш бу икки олам саодатига эришиш демак.



Уқитувчи ва мураббийлар байрами муносабати билан ана шундай илм ва матонат соҳибаси Фарғона шаҳридаги «Мурувват» ногиронлиги бўлган болалар учун интернат уйи тарбиячиси Гулнара Абдуллаева давлатимизнинг юксак мукофоти «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

Саодат йўли

битириб, илк фаолиятини шаҳардаги мусика мактабидан бошлади. Қарийб 14 йилдан буён эса «Мурувват» уйида ишлаб келмоқда.

— Ногиронлиги бўлган болалар учун мактаб интернатига илк келган кезларим ойлаб ўзимни қўярга жой тополмадим. Фарзандларим тенгқур болаларнинг юзидаги мунг, кўзидаги умид мени бу даргоҳга ипсиз боғлади. «Шўқур» сўзининг таъмини шу ерда ҳис қилдим. Қалбим мени ана шу мурғак полапонларга кераклигини айтди. Бола ҳамма нарсани сезади. Соғлиғида оғир муаммолар бор гуруҳлар билан ишлаётганимда хотираси умуман ривожланмаган қизалоққа дуч келдим. Ҳар гал машғулотга кирганимда менга лоқайд тикилиб турган қизалоқни жараёнларга қизиқтиришга уриндим. Орадан беш-олти ой ўтиб, ўша гуруҳга мени ўрнига тайинланган мураббийнинг оғир дарсини кузатишга кирдик. Дарс бошланди-ю, халиги қизалоқ ортга ўгирилиб, менга қарашга тураверди. Уқитувчи уни тушунмай, бошқа столга ўтказди. У барибир мендан кўз узмади. Шу кунгача бирор нарсани худдалашга уринганимни кўрсам суюнганимдан кўзимга ёш келади.

Қошқ ушлашни ҳам билмайдиган болақайнинг кўзларидан меҳр ила тугтиб, ҳаракатланганига ундаётган Гулнараҳонга қараб, эзгулик сарчаси кўнглимизга қуйилгандек бўлди. Касбини ўзининг муқаддас аъмолига айлантирган устоз, мураббийлар билан келажак авлод истиқболи юксалаверади.

Дилшода ЭРГАШЕВА.

Муносабат

Ўқитувчига эътибор —
келажакка эътибор

Ўқитувчи ва мураббийлар куни байрами муносабати билан Юртбошимизнинг мурожаати қалбимизда ўчмас из қолдирди. Мурожаат аввалида Президентимиз «Улуғ шоиримиз мавлоно Фурқат илм-маърифатни кўнглиларининг сурури, кўрар кўзларининг нури, деб таърифлаганини ҳаммамиз яхши биламиз. Дарҳақиқат, миллионлаб фарзандларимиз қалбига илм-фан зиёсини сингдириб, уларни эл-юртга муносиб инсонлар эътиб тарбиялаётган заҳматқаш ва олижаноб устозларимизга ҳар қанча таҳсинлар айтсак, арзийди» дея халқимизга юзланганида, кўнглимизда чексиз фахр-ғурур туйдим.

Муаллим ҳамиша минглаб тақдирларга дахлдорлик ҳисси билан яшайди. Унинг кўз нури дафтар, китоблар саҳифасига тўкилади. Сочлари фарзандлари қатори азиз бўлган шоғирларнинг таълим-тарбияси, истиқболига кўюниб оқаради.

Охириги йилларда ўқитувчига ҳурмат, унинг машаққатли ва шарафли фаолиятига эътибор ошди. Бизни янада руҳлантиргани ана шу эътибор ота-оналарнинг қалбига ҳам кўчиб, халқимиз орасида устоз, муаллимлар мақоми кўтарилди.

Пайғамбаримиз Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир ҳадиси шарифларида ўзидаги билим ва хунарни бошқаларга ўргатуви инсонлар ҳақида: «Албатта, Аллоҳ таоло, Унинг фаришталари, самовот аҳли, ҳаттоки, инидаги чумоли, денгиздаги балиқ ҳам яхшилик ўргатуви кишига саловат айтиб турадилар», деб марҳумат қилганлар.

Зеро, оламнинг гултожи инсон, икки дунё саодатига муяссар устоз-муаллимдир. Шу боис ҳам халқимиз устозни ота даражасида ардоқлайди.

Кейинги тўрт йилда мактаб ўқитувчиларининг ойлик маоши бир ярим баробар кўпайтирилди. Давлат мукофотлари билан тақдирланаётган устозлар сони ошди, ўқитувчилар тайёрлайдиган ҳисоботлар, қоғозбозликлар сони кескин камайрилди. Минглаб эркак ўқитувчилар мактабга қайтмоқда.

Тарихий мурожаатда давлатимиз раҳбари «Албатта, ҳаммамиз мактаб даврини эслаганимизда, кўз олдимизга аввало, талабчан ва меҳрибон синф раҳбаримиз келади. Нима учун? Чунки, мактабдаги ҳар бир қадамимиз мана шу азиз ва олижаноб инсонларнинг доимий эътибори ва ғамхўрлигида бўлган. Ҳаётга илк йўланмани ҳам бизга мана шу устозларимиз берган» дея эътироф этгани биз каби устозларга чексиз шижоат, фаолиятимизга янада улкан муҳаббат бахш этди. Қувонч билан таъкидлаш жоизки, юртимизда таълим тизимига, устоз, мураббийларга кўрсатилган бундай эътибор, ғамхўрлик орқали ёш авлод эришаётган бемисл ютуклар парвози янада юксалаверади.

Хурсаной ПЎЛТАОВА,
Олтиариқ туманидаги 28-мактаб
ўқитувчиси.



“Истеъмолчилар уйи” очилди

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан “Истеъмолчилар уйи” ҳамда “Истеъмолчи кутубхонаси” лойиҳаси ишлаб чиқилган.



Лойиҳа доирасида ҳозиргача вилоятимизнинг Олтиариқ, Риштон, Бағдош, Фарғона туманлари ва Марғилон шаҳрида барча қулайликларга эга, кўркам ва шиная мажмуалар бунёд этилди. Уларда ёш ўғил-қизларнинг иш билан таъминланишига эришилди.

Фарғона шаҳрида ҳам замонавий услубда қурилган, ўзига хос инновацион ечимга эга ва 5 мингдан ортиқ китобга эга “Истеъмолчилар уйи” тантанали очилди.

Мавжуд кутубхона фондидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва истеъмолчилик соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, сиёсий-иқтисодий қўлланмалар, юридик адабиётлар, маърифий, бадий, илмий оммабоп китоблар, республикамизда нашр қилинадиган ижтимоий-сиёсий газета-журналлар ўрин олган. Яқин кунларда электрон китоблар базаси ҳам шакллантирилади. Кутубхонада замонавий “Book safe” ва бепул WiFi тизими ҳамда интернет орқали зарур адабиётларни топиш ва харид қилиш

имконини берувчи “eReader” электрон ўқув қурилмаси ҳам ўрнатилган.

Мажмуадан беш муҳим ташаббус доирасида хотин-қизлар учун бепул чеварликка ўргатиш маркази, мактабни тугатиб, бироқ ишсиз юрган ёш йигитлар учун эса хунармандчилик бўлими ҳам ўрин олган. Бундан ташқари, миллий қолғу асбобларини ясаш ва ўргатиш бўлими ҳам иш бошлапти. Шаҳардаги ўрта мактабларнинг мусика фани ўқитувчилари билан бевоқиф ҳамкорлик йўлга қўйилгандан сўнг бу ерда дарсларни амалиёт шаклида ўтиш мумкин бўлади.

“Истеъмолчилар уйи”да фуқароларнинг истеъмолчилик ҳуқуқлари бузилганда, уларнинг ариза ва мурожаатлари ҳам қабул қилинади. Бу каби масалалар, айниқса, ёш ўғил-қизларимизнинг маънавий тафаккурини бойитиш, уларни касб-хўнарга ўргатиш, яшрин салохияти ва истеъдодини юзага чиқариш учун беқийс имкониятлар эшигини очади.

Ўз мухбиримиз,
Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар.

Фарғонанинг тадбиркори

“ОЛТИН ВОДИЙ”нинг
МЕТАЛЛ
МАҲСУЛОТЛАРИ

Марғилон — Фарғона йўлидаги 1,5 гектарлик майдонда қад ростлаган “Олтин водий” металл маҳсулотлари корхонасининг ташкил этилиши — ўн йиллик лойиҳанинг натижаси аслида. Утган вақт давомида илгор хорижий тажрибаларни, ички ва ташқи бозор талабларини ўрганиш асосида олинган ҳулосаларга таяниб, 9 млн. долларлик йирик лойиҳага қўл урилди.

— Авваллари металл маҳсулотларни Хитой ва Россия давлатларидан келтириб, республика бўйлаб сотувини йўлга қўйдик, — дейди корхона ижрочи директори Эркинжон Юнусов. — Бундай маҳсулотга юртимизда эҳтиёж катта. Уни четдан олиб келишнинг ўрнига ўзимизда ишлаб чиқарсак, аввало, халқимизга манфаатли бўлиши бизни ташаббусга ундади. 6 млн. 800 минг доллардан зиёд банк кредити билан корхона қурилишини бошладик.



2019 йилда ишга тушган корхона қисқа муддатда ишлаб чиқаришнинг тизимли йўлини танлаб олди.

4 та ишлаб чиқариш мажмуаси ҳар ойда 350-360 тонна металл маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватига эга. Шруп, саморез, болт, гайка сингари 50 тадан ортиқ турдаги металл маҳсулотлар юқори сифат назорати остида тайёрланади. Ҳозирча Озарбайжон, Қирғизистон давлатларига экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг намуна-

лари яна ўнлаб хорижий мамлакатларга юборилган.

“Олтин водий”да Тайвандан келтирилган ускуналар хом ашёнинг ҳар заррасини кичик металл маҳсулотга жойламоқда. Темир қутиларга тўкилаётган доллар тонналарга жамланади. Маҳсулотнинг ҳар донасида “Golden Valley metal products” нинг сифат белгиси бор.

Яқин фурсатларда хом ашё ҳам корхонада тайёрланади, эндиликда хориждан сим ўрама

эмас, уни тайёрлашда ишлатиладиган сим новдаси келтирилади. Бу эса яна янги иш ўринлари яратилади, маҳсулот таннархи камайтирилади.


Умиджон Дўстматов корхона ишчиси, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни навбатдаги босқичга етказувчи техникани бошқаради. Белгиланган иш соати, тушлик, дам олиш вақти, техника хавфсизлиги, моддий ва маънавий рағбат ҳаммасидан рози қайфиятда меҳнат қилади. Умиджон каби корхонанинг оёқ-қўли бўлиб турган яна 150 нафар ишчи йигитларнинг юрагида соҳага муҳаббат, ўз ишига масъулият ҳисси яшайди.

Дилнавоз ҚЎЛДОШЕВА,
Муқимжон ҚОДИРОВ олган суратлар.

Маҳалла — халқнинг суянчи

БУ ДАРГОҲДАН ЭЛ ҚАЛБИГА ЙЎЛ БОР

Қўқон шаҳридаги "Собир Абдулла" маҳалла фуқаролар йиғини бўйлаб юриб борар эканмиз, шаҳар аҳолисига яхши таниш бўлган "Мадрасаи мир" масжиди, Бодомзор, Абдулла Қаҳҳор, Гулҳаний, Мураббийлар сингари кўчалардан ўтдик. Ҳар қадамда ободлик нафаси, фаровон ҳаёт учқунлари.



Ўлчайди. Саховат, муҳтожларга кўмак ёшу қарининг манфаатларига бирдек қаратилган бўлиб, бу борадаги хайрли ишлар, айниқса, пандемия даврида баракали ва бардавом бўлди. Маҳаллада ташкил этилган озиқ-овқат захираси саховатпеша инсонлар томонидан ун, ёғ, туз, шакар, макорон каби кундалик эҳтиёж учун керак бўладиган маҳсулотлар, бундан ташқари, болалар гигиеник воситалар билан тўлдирилган, муҳтожлар эса ундан баҳраманд.

Яқинда маҳаллада кам таъминланган оила фарзандлари — Бобуржон ва Муҳаммадмубин Насруллаевларнинг суннат тўйлари ўтказиб берилди. Маҳалланинг "Темир дафтари"га киритилган 16 та оиланинг ҳар бирига давлатимиз томонидан ажратилган моддий ва бошқа турдаги кўмаклар ўз вақтида етказилаётди. Пандемия даврида аҳолига минг килограмдан зиёд гўшт маҳсулотли беминнат улашилди.

Марҳаматхон Абилова, Жаннатхон Исмоилова, Дилафруз Абдурахмоновлар тикиш-бичишни уdda қилишади. Уларга замонавий тикув машиналарининг тақдим қилиниши маҳалла аёлларининг иш билан таъминлиши баробарида уларга тўқин ва фаровон ҳаёт учун дастама берилганини ҳам аниқлатади.

72 ёшни қарши олган Одиложон ота Ҳасанов ногиронлиги бор фарзанди билан маҳалланинг Гулҳаний кўчасида яшайди. Маҳалла фаолларининг ташаббуси билан унга икки бош қўй олиб берилди. Абдулла Қаҳҳор кўчасида истикомат қилувчи ёлғиз она Зухраҳон Акрамованинг маҳалла фаоллари билан ҳаммашрақ ва ромлар ўрнатилди.

Матлубахон Қўзибоевнинг имконияти чекланган фарзанди бор.



Маҳалла тавсияномаси билан Қўқон давлат педагогика институти талабаси бўлган ёш онанинг, аввало, давлатимиз берган имтиёздан, қолаверса, маҳалла эътиборидан кўнгли кўтарилди. Бу йил маҳалланинг Мубинахон Ғуломова, Матлубахон Қўзибоева сингари ўнлаб ёшлари олий ўқув юртига қабул қилинди. Худудда яшовчи 697 нафар болажонлар манфаатлари маҳалладаги эзгу ишларнинг энг аввалида. Болаларга минглаб тиббий-гигиеник воситалар, ўйинчоқлар улашишдан масъулларнинг ҳам кўнгли шод.

— Маҳалламизда кутубхона ташкил этилган, — дейди МФЙ раиси Аъзамжон Зиявутдинов. — 2, 5 мингдан зиёд китоб жамғармасига эга бўлган кутубхонамиз китобхонлар учун ҳаммашрақ очик. Худудимиздаги 25-ўрта мактаб, 12-давлат мактабгача таълим ташкилоти, "Она ва бола"

маркази, "Почемучка" хусусий болалар боғчаси фаолияти ҳам маҳалла фаоллари, ташаббускор ота-оналар томонидан доимий эътиборга олинган. Маҳалладаги ҳар бир кўчада кузатув камералари ишлаб туради. Бу, аввало, ўз-ўзимизни асраш, огоҳлик демасдир.

Элга, маҳалладошларига кўмак бериш ниятида йигин идорасига кириб келадиган тадбиркорлар кўпга наф келтиришнинг саодатини яхши аниқлашади. Раҳматилло Сиддиқов, Машрабжон Абдуллаев, Шарифжон Сағиев каби саховатпеша инсонлар маҳалланинг қорига ярашмоқда, одамларнинг дардига дармон бўлишида маҳалла раисига елкадошлик қилишаётди.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла даргоҳига яхшилик истаб келган ҳеч бир фуқаро куруқ қўл билан қайтмайди. Бу даргоҳдан эл қалбига йўл бор. Зотан, кўтлуг кунларда ёш-у

қарига ҳайитлик улашган, ҳатто, Сардоба томонларга хайрия қарвонларини юборганлар ҳам "Собир Абдулла"ликлар. Уздан орттириб, қўни-қўшниларига, қолаверса, юртдошларига ҳам риқ-у насоба илинши кўқонликларга ҳам инсонпарварлик фазилатидандир.

Маҳалла аҳлини қарийб ўн йилдан буён қийнаб келган табиий газ муаммосига ҳам ечим топилди. Шаҳар ҳокимининг қарори билан худудда 4, 5 км.лик газ қувурлари ўрнатилаётгани аҳоли учун янада фаровон ҳаёт, жин турмушини кафолатлаш деганидир.

Ҳа, ҳаётсеварлик, меҳнат ва хайру саховатни улуглаш фазилати "Собир Абдулла" отлиғ маконнинг файзини, қадр-у қимматини бандлаттаверди.

Дилнавоз ҚҮЛДОШЕВА.

Худудда мебелсозлик, дурадгорлик, келасозлик, тикувчилик каби соҳалар яхши ривожланган. "Амина тақинчоқлари" хусусий корхонаси — маҳалла ифтихори. Марказий бозор худудига яқин бўлганлиги учун ҳам бу ерда ишсизлик муаммоси йўқ. Оилавий

ажримлар йўқ, аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қайд этилмаган. Аъзамжон Зиявуддиновнинг маҳалла фуқаролар йиғини раиси сифатида иш бошлаганига кўп фурсат бўлмади, бироқ ўтган бир ярим йиллик меҳнат фаолияти бу маконда истикомат қилувчи 3800 нафардан зиёд аҳоли, 550 тадан

ортққ оилаларга кириб бориб, эл ишончини қозониши учун етарли бўлди. "Маҳалла раисининг юраги аҳолининг кўксига уриб туриши керак" деган эзгу ақидага амал қилган Аъзамжон ака ҳар бир кун самарасини, аввало, бугун кимларга ёрдам қили ўзи, кимнинг мушқули осон қилинди, деган саволларга жавоб билан

Лукма
ҚОҲҚОҚСИЗ ҚУДУҚЛАР
ёки **кўзингизга қараб юринг**

дан" билиб оласиз. Риштон тумани марказининг қиёфаси тубдан ўзгарди. Тор, ўйим-чўқур йўллар ўрнида равон йўллар барпо этилди. Аммо йўлнинг остидан ўтказилган коммуналлик тармоқлари қудуғига қопқоқ қўйилмагани равон йўлга доғ бўлиб турибди. Учига қоп қийдирилган ёғоч қалтак солиб қўйилган. Агар салгина ҳушёрликни йўқотсангиз, қудуққа тушиб кетишингиз ҳеч гап эмас.

Узбекистон туманининг "Конизар" МФЙ худудидида автомобиллар ҳаракатини тартибга соладиган айлана йўлда ҳам кўзни қаттароқ очган маъқул. Бу ерда ҳам бир неча ойдирки, йўл ўртасидаги қудуққа қопқоқ топилмапти. Калтак учига лента илб қўйилган. Қўқон шаҳрида ҳам бундай манзарага дуч келмасликнинг иложи йўқ. "Қозилғиқ" МФЙ худудидан ўтган автомобиль йўли анчагина серкатнов. Бироқ шу йўлдаги супурги ва дарахт шохлари солинган оғзи очик қудуқлар ҳеч қимни ташвишлантиргани йўқ. Бу ердан ҳаракатланганда, эҳтиёткорликни юз қарра оши-

Текис, равон йўллардан юриб роҳатланасан. Аммо йўлнинг ҳуснини бузиб турадиган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Бу автойўллар ўртасидаги қопқоқсиз қудуқлардир. Агар машинада ҳаракатланиб кетаётган бўлсангиз, баъзи жойларда қўриқарили, баъзи жойларда қўриқарисиз қилиб, учига қизил лента боғланган ёғочдан ёки шох-шабба ташланган "белгилар-

риш талаб қилинади. Фарғона шаҳрининг Мураббийлар кўчасидаги пиёдалар йўлагидан юрганингизда, асло кўзингизни юма кўрманг. Қудуққа қопқоқ тугул шох-шабба ҳам солиб қўйилмаган. Бундан сал нарида — Истироҳат кўчасидаги қудуққа ҳам қўриқарилиш қилиб тошдан, дарахт шохидан «белги» қўйилган. Серкатнов Юқалиш кўчасида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона филиали ҳам жойлашган. Йўлнинг кесилишида жойлашган чўқурлик кўзга яққол ташланади. Уни цемент тўсиқлар билан ўраб қўйишган. Шунга қарамай, тушиб кетиш эҳтимоли юқори. — Ҳар қуни шу йўлда қирақашлик қиламан, — дейди Фарғона шаҳри марказидан Абдулла Қодирий мавзасига қатновчи ҳайдовчи Нодир Бозоров. — Аҳмад Ясавий ва Юқалиш кўчаси кесилишидаги анчадан бери деярли оғзи очик ҳолатда турган чўқурга тушиб кетмасамда, деган ҳадик билан йўлга чиқаман. Наҳот бу қудуқни мутасадди раҳбарлар кўришмасан!

Қопқоқсиз қудуқларга бирор инсофли киши тошми ё гишт қўйса кўяди, бўлмаса ҳеч кимнинг иши йўқ. Серкатнов йўллардаги оғзи очик қудуқлар кўзни қаттароқ очиб юришни тақозо этади. Нима, Фарғонада йўллар эгасизми?

Шоҳсанам ЭШМАТОВА.

Йўл азоби

Шамол оқимини кесиб бораётган машина икки тарафда узум тоқлари барқ уриб турган катта йўлга бурилди. Ҳозиргина ҳазил-мутойибадан чарақлаб келадиган ҳайдовчининг чеҳрасини бирдан безовталиқ эгаллади. Тўхтовсиз янграётган зардали сигналлар, бир-бирининг биқинига сўқилаётган турнақатор уловларни кўриб, одамнинг кўнглига ваҳима орайлади.

— Ганнинг очиги, шу ерга келганда машина мишига юрагим безиллайди-да. Кунда мана шу тикилинч кўчадан беш-олти марта ўтишга тўғри келади. Йўлнинг торлигини кўринг. Бир машина одам билан эсон-омон етиб олай, деб юрак ҳовчлаб келаман, — дейди ҳайдовчи Фарҳоджон Эргашев.

қарвонига тирбандлик ҳосил қилмоқда. Бундай шароитда ҳайдовчиларнинг озгина эътиборсизлиги йўловчиларнинг ҳаётига ҳавф солувчи кўнглисизликларга олиб келиши шубҳасиз.


— Қапчугай-Олтиарик йўли таянч марказидан пойтахтга борувчиларнинг ҳам узоғини яқин қилади. Қолаверса, сўнгги йилларда автотранспорт воситаларининг кўпайгани бу каби йўлларда эркин ҳаракатланишга қийинчилик туғдиримоқда. Бу ўз навбатида автоҳалокатлар со-

нинг кескин ошишига олиб келади, — дейди Олтиарик тумани ИХХБ катта инспектори Муҳиддин Ибрагимов. Бу масала бўйича вилоят Автомобиль йўллари худудий бош бошқармаси бўлим бошлиғи Жамшид Асқаровнинг фикрлари диққатимизни тортди.

Айни пайтда 4Р-148 «4Р-115» автойўлининг қайта қуриш ишлари 2021 йил дастурига киритилган бўлиб, смета ҳаражатлари ишлаб чиқилган. Ушбу йўл қурилиши ишлари йиллар давомида босқичма-босқич амалга оширилишини маълум қиламиз.

Йўл азоби — гўр азоби, дейди доно халқимиз. Ишонамизки, бунёдкорлик сари улкан қадамлар қўйилаётган юртимизда узоғимизни яқин қилувчи бу каби таянч йўлларнинг тақдирини масъулларни беватибор қолдирмайди.

Д. ҲАЛИМЖОНОВА.



Ким ҳаловат кўйида, кимда зиёфат ғами

Яқинда ижтимоий тармоқларда республика бўйича карантин қоидаларига зид равишда энг кўп тўй маросимлари Фарғона вилоятида ўтказилганлиги ҳақидаги хабар маълум қилинди. Вилоятда 16 августдан 13 сентябргача бўлган муддатда маҳалла фаоллари ва икки ишлар органларининг профилактика инспекторлари томонидан олиб борилган назорат тадбирлари натижасида карантин қоидаларига риоя қилмаган ҳолда ўтказилган 243 та тўй маросими аниқланган.

Ана холос! Фарғона вилояти коронавирус касаллиги юқиши бўйича охириги ўринларда турса ҳам лоқайдлик бўйича "биринчи ўрин"га чиқибди. Нима учун?! Минг афсуслар бўлсинки, халқимиз орасида тўй билан маҳалла фаоли, на имомнинг насиҳати, на пандемия шароити таъсир қилади?! Улар билганларидан қолмайдилар ва "тақлифлари" билан тўй эгаларининг ҳам, бошқаларнинг ҳам дилларини хира қилиб, оилаларни танглик кўчасига олиб киришда "бардавом" бўлавердилар.

Бугун эл яна карантин шароитига қарамасдан ўзининг азалий удуми — ўғил уйлаш, қиз чиқариш маросимини ўтказиш ташвишига тушди.

Қўп йиллик қардоним билан кўришиб қолдик. Салом-алиқ баҳона кўнгли ёрди. — Ҳафта охирига тўй белгилади. Озода Нурсаидовани айтганмиз хизматта. Ташкентдан эликдан ортиқ ҳамкасбларни тақлиф қилдим. Бу ёки маҳалла-қўй, қариндош-уруғ дегандек. Шунга қуриб кетгур анови жаримасини олдиндан тўлаб келсамми, деб турибман. Қирқ миллионга ҳофиз олиб келишга етган кучим тўрт ярим миллионлик жаримга етмай қолармиди?!

Эҳ, биродари азиз. Бир неча соатлик тўй, ўткинчи ҳавас учун юзлаб бегоналарни қўя туринг, жондан азиз фарзандларингиз, чиллалик келин-куёвлару бобо-буваларнинг ҳаётини ҳеч иккиланмай хавфга қўяётганингизни биласизми? "Ору-ҳавас" деган иллатингиз хуруж қилган чоғ айни пайтда касалхоналарда ҳаво етмай, жон талашиб ётганларни кўз олдингизга келтиринг. Наҳотки, бир кунлик "катта тўй"ни деб, оилаб уйдан "Тез ёрдам" аримаётганларни кўриб, дилингиз увишмаётган бўлса?!

Тувоно кунги тўйда бўлса, "юз очди" маросими пайти келиннинг онаизори меҳмонлардан: — Айланайлар, пошша қизимиз билан ўлиб кўришманглар, илтимос, — дея зорланиб, "қўриқчилик" қилаётганимиз. Маҳалла фуқаролар йиғинига карантин шароитида тўйлар қисқаргани ҳақида тушунириш учун чақирилган тўй боши беварволик билан сўз қотди.

— Кўпнинг ошини еганмизда, айланай. Ўттиз кишигагина тўй қилсам, одамлар нима дейди? Ана шу биргина савол не-не оилаларнинг тинчини, ҳаловатини бузаяпти, беморлик азобида дучор қилаяпти. Қудалар билан олди-берди борасида келишолмаслик, бир-бирларини тушунмаслик оқибатида келинлар кўз ёш тўқаяпти, болалар етим қоляпти.

Қачонгача биз ўзининг ғуруримизни, шаъни, ор-номусимизни дунё матоҳлари, бир кунлик зиёфатлар билан баҳолаймиз?! Фарзандларининг насибасини сеп-сидиргага совураётган ҳамюртларимиз бугунги пандемияга қарши курашда муҳим бўлган мустаҳкам иммунитет, саломатликдек неъмат ҳақида унутиб қўйишмоқда.

Падали бузруқворидан бир йил аввал айрилган қиз тўйга тақлифнома ташлаб кетди. Тақлифнома қоғозига назар соламан. Майда рангли тошлар билан безак берилган, келин-куёв расми туширилган, илак попути ажойиб товланган ташриф қоғози. Нархи ҳам қиммат бўлса керак. Ҳавасми ёки тенгқурларининг раҳминини келтирмаслик учун нархиға қараб ўтирмагандир. Ўзи ҳам озиб-тўзиб кетибди. Ҳозирги ёшлар шунча, еб-ичишга келганда пулни қизганишади. Лекин энг қиммат лаб бўёғини сотиб олишади.

Тарки одат, амри махол, дейдилар. Қиз устариётган ота-оналарнинг ақсарити сеп-сидирга йиғиш билан овора бўлиб, жиғибанднинг ранги синиққанини сезишмайди.

— Қизимнинг сарпосига яна икки жуфт қандоз қўшдим. Ўзи санаги эликдан ошганди-ю, кўрпалликларнинг анги гулди чиқибди, кўрмайсизми. Олмай десам, қайнонаси тили бутунлардан эмиш. Тагин болам шўрликка шугинани таъна қилиб, кўйдирмасин дейман.

Олинг, онажон, яна қўшинг, қўрпа тўшаққа. Супурги тегса чанги уйни тутадиган бахмалу духоба кўрпаларнинг ҳузурини сичқонлар кўради. Сиз сеп йилгай, деб оворай жаҳон бўлганингизда, шўрлик қизларингиз уч маҳал шакарчи ичиб, мактабга қатнаётгани эсингизда ҳам йўқ.

Тўй миллатимизнинг минг йиллик улуг қадриятларидан. Тўй-тантана бошланган уйга қилганидек, инфоф, соғлиқ, ҳаловат ва албатта меъёр қалбимиздан, ҳаётимиздан кўтарилмасин.

Дилшоҳ ЭРҒАШЕВА.

	МУАССИС: ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ	Бош муҳаррир: Муҳаммаджон ОБИДОВ	Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.	Газета «Полиграф-Пресс» МҶЖ босмаҳонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди. Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 «Б» уй.	Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темуր кўчаси, 28-уй. Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70. Бош муҳаррир ўринбосари: (факс) 73-226-37-80. Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.
	Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти www.fargona.uz	Газетадан материал кўчириб босилганда «Фарғона ҳақиқати»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.	Газета тахририятига юборилган қўлёзма ва суратлар қайтарилмайди.	Босишга топшириш вақти: 19.00. Топширилди: 18.50.	Бўғуртма: 646 Индекс: 7521 Адади: 3 788
Газета чоршанба ва шанба кунлари чиқади.			Баҳоси келишилган нархда.	Навбатчи муҳаррир Расулжон Камолов.	Саҳифаловчи Алишер Розиков.

